

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА  
ҚЎМИТАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**401** Ўзбекистон Республикаси божхона органларида контрактлар (шартномалар) ва битимларни ҳисобга қўйиш тартибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил  
26 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 832-5*

*(2011 йил 6 октябрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 230-модда) 6-моддаси, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 25 августдаги ПҚ–1604-сонли «Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 34-35-сон, 345-модда) бажариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 1999 йил 10 сентябрдаги 02/19-67-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси божхона органларида контрактлар (шартномалар) ва битимларни ҳисобга қўйиш Тартиби»га (1999 йил 15 октябрь, рўйхат рақами 832) (Ўзбе-

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й.*

кистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 1999 й., 12-сон) иловага\* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Раис****3. ДУСАНОВ**

Тошкент ш.,  
2011 йил 19 сентябрь,  
01-02/19-16-сон